

Махфузахон ЖАЛОЛДИНОВА,
Шохрух ЖУМАЕВ,
мустақил тадқиқотчилар

УСМОН ЎШИЙНИНГ «БАДЪ-УЛ АМОЛИЙ» АСАРИНИНГ МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Кўхна тарихга эга бўлган Мовароуннахр қадимдан илм-фан ривожига ҳисса қўшган илмий марказ сифатида дунёга танилган. Бу ўлкадан етишиб чиққан алломалар турли соҳаларда аниқ ва табиий фанлар, фалсафа, адабиёт, шунингдек ислом илмлари – тафсир, ҳадис, фикҳ ва калом йўналишларида ўзларидан бой илмий мерос қолдиришган. Ушбу соҳалар, жумладан калом соҳаси ривожига Имом Абу Ҳанифа, Имом Мотуридий, Абу Муъин Насафий, Умар Насафий, Усмон Ўший каби алломаларимиз ўз ҳиссасини қўшганлар. Ана шундай машҳур зотлардан бири, ноёб истеъдод соҳиби, фикҳ, тафсир ва калом илми соҳаларида устозлик қилган олим Усмон Ўший қатор асарлар ёзиб қолдирганки, уларни илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш ҳозирги даврда янада катта аҳамият касб этади.

Манбаларда, хусусан “Мўъжам-ул булдон ли Ёқут”, “Тож-ут тарожим фи табақот-ил ҳанафия” номли асарларда Фарғоний, ҳанафий дея алоҳида эътироф этилган. Ўший кўплаб илмлар бўйича етук олим, адиб ва шоир бўлган. Тарихий манбаларда бу зотга шайх, имом, қози каби таърифлар берилган. Сирожиддин Ўший Қорахонийлар мамлакати қарамоғида бўлган Фарғона таркибига кирган Ўшда туғилиб ўсган ва илмий ишлар билан шуғулланган. Алломанинг асарлари қуйидагилар: “ал-Фата-

во ас-Сирожи (Сирожиддиннинг фатволари)”, “Ғулар-ул ахбор ва дулар ул-ашъор (Танланган хабарлар ва дурдона шеърлар)”, “Шарҳу манзумати Умар Насафий”, “Нисаб-ул ахбор ли тақират-ул ахёр фи набий-ил мухтор (Ихтиёр қилинган пайғамбарнинг ҳадислари тўғрисида яхши кишиларга билдириш йўлидаги хабарларнинг асоси)”, “Жавохир-ул калом” ва “Ҳидоят-ул муфтий би кифоят-ул мустафтий”.

Усмон Ўший “Бадъ-ул амалий” асарини араб тилида, назмий услубда 569/1174 йилда ёзган. Ушбу асар калом илмига бағишланган бўлиб, унда аҳли сунна вал жамоа эътиқоди ва мотуридийлик таълимоти баён қилинган. Аллома бу рисоласини нега айнан шеърӣ услубда ёзганлиги борасида аниқ маълумотлар бизга етиб келмаган. Лекин турк тадқиқотчи олими А.Демир бу борада ўзининг қуйидаги фикрларини билдиради:

“Ўшийнинг нимага шеърӣ шаклни афзал кўрганлиги ҳақида бир қарорга келиш қийин. Бироқ бу хусусда тахминлар қилиш мумкин. Бу тахминлардан бири замонасининг диний-маданий тузилиши, бошқаси эса турк маданияти билан боғлиқдир. Ўшийнинг яшаб ўтган VI–XII аср тасаввуф ва динни тушуниш кенг халқ оммаси ва мазҳаблар орасида кўп тарқалган давр ҳисобланади. Бу даврда Абдулқодир ал-Ғийлоний, Аҳмад Рифоий ва Аҳмад Ясса-

вий томонидан илк тариқатлар ташкил этилди. Бу диний тузилмаларнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсири янада ошди. Ушбу даврда тасаввуфий шеър жанрининг тарқалиши ва унинг жамиятга таъсири шу каби ишларни бажариш учун Ўшйига ҳам бу турдаги асар ёзишга илҳом берган бўлиши мумкин. Яна бошқа жиҳати шундаки, турклар орасида миллат ва ватан севгиси каби муҳим кадриятлар шеърини услуб орқали кенг тарқалган. “Яратилиш” ва “Туриш”, “Тўч” ва “Эргенекван” ва “Манас” шу турдаги дostonлардандир. Қирғизларнинг миллий достони бўлмиш “Манас”нинг асоси 225–840 йиллар орасида шакллана бошланганини тахмин этиш мумкин. 500 мингдан кўпроқ мисрадан иборат дoston қирғизларнинг ички ва ташқи душманлари, қалмуқ мўғуллар, хитойликлар, қисман уйғурлар ва Ўрта Осиёда яшаган бошқа турк қабилалари қилган курашлари, одат ва эътиқодлари билан биргаликда миллат ва ватан севгисини шеър орқали фойдаланиш шеърини тилда фойдаланишга асосий этибор берилади. Ўшйининг турклар орасида таникли ва кенг таъсирли шеърини шаклидан фойдаланиб, аҳолига ислом ақоиди ва мотуридий таълимоти тушунчаларини етказишни мақсад қилган”.

Олимнинг манбаларда мотуридия таълимотининг олими сифатида эътироф этилишига асосан “Бадъ-ул амолий” асари сабаб бўлган. Лекин ушбу асар жуда кичик ҳажмда ва манзума шаклида ёзилган манбадир. Ушбу асар орқали Ўшйи ханафий-мотуридия таълимотига ўзининг хайрихоҳ эканини баён қилган. Ақида илмига оид манзума шаклида ижод қилган яна бир қанча тарихий шахсларни мисол келтиришимиз мумкин. Масалан, машҳур туркий шоир Алишер Навоий ҳам Абу Ҳафсан-Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асарига шарҳ сифатида “Назм-ул ақоид” номи кичик шеърини асар ёзган. “Назм-ул ақоид”нинг 1863 йилда кўчирилган бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистондаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 11946-ИИ рақами остида сақланади. Лекин биз Алишер Навоийнинг бу асарига қараб уни Мотуридия таълимотининг мутакаллими, олими деб эътироф этмаймиз, балки бу таълимотга хайрихоҳ бўлган шоир сифатида таниймиз. Худди шундай яна бир туркий шоир Заҳирид-

дин Муҳаммад Бобурнинг ҳам “Мубаййин” номи асарида ханафий ва мотуридия ақидаси мактаб васф қилинган¹.

“Бадъ-ул амолий” асари яна “Якул-ул абду” ва “Қасидат-ул ломия” номлари билан ҳам машҳур бўлган. “Якул-ул абду” номи асарнинг биринчи байти туфайли тарқалган бўлса, мисралари лом ҳарфи билан тугалланиб ёзилгани учун “Қасидат-ул ломия”, яъни “Ломлик қасида” деб номланган. Халқ орасида “Қасидаи амолий”, “Ломия”, “Амолий”, “Каломия” номлари билан ҳам аталган Асар қисқа бўлишига қарамасдан, унда эътиқод масалалари лўнда тарзда баён этилган.

Ўшйининг мотуридия каломига ҳиссаси ва ушбу асар ҳақида турк тадқиқотчи олими А. Демир шундай дейди: “Бадъ-ул амолий ўша даврнинг энг кўп рағбатга сазовор бўлган тасаввуф адабиёти шаклида бўлган шеърини турда ёзилган мотуридий каломига оид илк асардир. Ушбу асар мотуридийлик таълимотига оид қарашларни, фикрларни ўрганиш ва талабаларга ўқитишда жуда муҳим ўрин тутди. Ханафийлар орасида каломга қарши замонда яшаган Ўшйининг “Фатаво ас-Сирожи” асарида калом илмининг динда таъқиқланмаганлиги айтилган. Бу эса калом илмини мотуридийликни ханафийлар орасида ўрганилганлиги билан ўз тасдиғини топган. Асарнинг шарҳ ва таржималари бўйича қилинган академик тадқиқотлар Ўшйининг ханафий-мотуридий таълимотига қўшган ҳиссасини янада таъкидлайди².

Мутасаввиф Шайх Назруллоҳон Эшон Ғарибийнинг “Қасидаи амолий шарҳи ва тавҳид манзумаси” шарҳида “Бадъ-ул амолий” қасидаси арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф-мафоъийлун, мафоъийлун фаъулун (у - - - у - - - у - -) вазнидаги ёзилганлиги ҳақида маълумот келади. Ғарибий ҳам “Бадъ-ул амолий” асарига худди шундай шеърини йўл билан қасиданинг ўз вазнини сақлаган ҳолда шарҳ битган³.

¹ S.Oqilov. Abul Mu'in An-Nasafiyning “Bahrul Kalom” Asarining Sirojiddin O'shiyning “Bad'ul' Amoliy” Asariga Ta'siri. – Bishkek.2018 Uluslararası Ali b. Osman el-Üşî Sempozyumu Bildirileri. – B. 389.

² A.Demir. Alı b. Osman el-Üşinin Matürıdı Kelamına Katkıları. Bışkek: Uluslararası Ali b. Osman el-Üşî Sempozyumu Bildirileri, 2018. – B. 37.

³ Шайх Назруллоҳон Эшон Ғарибий. Қасидаи амолий шарҳи ва тавҳид манзумаси. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 6.

“Бадъ-ул амолий” қасидаси аҳли сунна вал жамоанинг илм аҳллари томонидан қабул қилинган ва мақтовга лойиқ деб топилган. У улкан маъно жамланган қисқа жумлаларда тарқалди ва олимлар уни шарҳлади. Улардан бири “Дараж-ул маолий”дир. Асар муаллифи Иззуддин Шофеъий шундай дейди: “Билгинки, “Қасида ал-ломиа асари” тубсиз денгиз каби бўлган диний масалалар ичидаги ақоид қоидаларини ўзига кенг қамраб олгандир. Гарчи унинг ҳажми кичик бўлса-да, фойдалари кўпдир. Сўнг мен муфассал китоблар фойдаларини боғлаган ҳолда тартиблаб, унинг сатрларини кўтаришни хоҳладим ва залолатлар ва бидъат эътиқод қилувчилар аҳлининг ботил бўлган муаммолари учун унинг кенг ва очиқ шарҳладим”⁴.

“Бадъ-ул амолий” асари куйидаги мисрлар билан бошланади:

يقول العبد في بدء الامالى *** لتوحيد بنظم كلالى

Сўз бошлар имлолар бошида банда,
Дурлардек назм-ла тавҳид ҳақида.

Зотан ўзининг шеърий шаклда ёзилган “Бадъ-ул амолий асарида ҳам буни тилга олган. Кейин арабча мисра ёзилган.

بديع الشّكل كالسحر الحلال لَقَدْ أَلْبَسْتُ
للتوحيد نظما

Тавҳид илмига сеҳрнинг жозибасига ўхшаган шеър либосини кийдирдим.

Маълумки, Пайғамбаримиз шундай деганлар: “Шундай сўз борки, сеҳр каби таъсирлидир”. Ўшй тавҳид мавзуларида сеҳр каби таъсирли тизими орқали англатишларида асосан ҳадисга ишора қилган.

يُسَلِّي الْقَلْبَ كَالْبَشْرِ بِرَوْحٍ - وَيُخَيِّ الرُّوحَ كَالْمَاءِ
الرُّؤَالِ

“Шеър инсонни кўнглини хузур берувчи хабар сифатида хурсанд қилади. Рухнинг ҳаётини ҳам ширин сув каби давом эттирувчидир”.

⁴ Иззуддин ибн Абу Бакр ибн Жамоа Шофиъий. Дараж-ул маолий. – Байрут: Муассасат-ул кутуб-ус сақфия, 2011. – Б. 14.

Ўшйнинг шеърлари ўқийдиганлар қалбига хузур ва руҳига ҳаёт келтирадиган бир соғлом этиқодни шакллантиради. Бу ифодалар эътиқод қарашларини ҳимоя қилиб, инсонларнинг эътиқодини мустаҳкамлайди. Кейинги мисра:

فخوضوا فيه حفظاً واعتقاداً - تنالوا جنس أصناف
المَنَالِ

“Ҳифзда сақлаб ва уни мазмунига ишониб шеър денгизига шўнғингки,

Аллоҳнинг турли неъматларига ноил бўласиз”.

Шўнғимоқ яъни خوضوا калимасини алоҳида қўллаш орқали эътиқодга оид қарашларини ифодалашни истайди. Бироқ каломга қарши ҳанафийлар ва асҳобул ҳадис калом шўнғишдан, яъни эътиқодга шўнғиб кетишдан инсонларни тўхтатишга ҳаракат қилган. Масалан, каломга қарши ҳанафий бўлган Саид ал-Уставаий шундай дейди: “Машойихимиз каломга шўнғишдан узоқ турганлар. Эътиқодий масалаларда нақл билан кифояланиш мақтовга сазовор бир муносабат, ҳолат эди. Калом билан шуғулланганда ихтилофли масалаларга кириб қолиш мумкин. Энг тўғри йўл каломдан, эътиқоддан узоқ туришдир демакдир. Ўшй эса хифзни яъни ёд олиш ва уни мазмунига ишониш ўша шеърийатга шўнғиш кераклиги ҳақида насиҳат қилмоқда. Зотан “Бадъ-ул амолий” асарини “Ҳидоя мин-ал эътиқод” номи билан шарҳлаган Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулқодир ар-Розий ҳам Ўшйни тушунчаларини давом эттириш орқали калом илмини ўрганилишини ташвиқ этди”⁵.

Азалдан, шеърий асар мадрасаларда ҳанафий ақидасини ўқитишда асосий манбалардан бири сифатида хизмат қилган. Асар қисқа бўлишига қарамасдан, унда эътиқод масалалари лўнда тарзда баён этилган, шу билан бирга кенг қамровли. Ундага қофиялар ўзига ром этади:

⁵ A.Demir. Ali b. Osman el-Üşinin Matürıdı Kelamına Katkıları. – Bışkek: Uluslararası Ali b. Osman el-Üşî Sempozyumu Bildirileri, 2018. – B. 382.

لقد لبست للتوحيد نظما *** بديع الشكل كالسحر
الحلال

Кийгаздим тавҳидга назм нақшинкор,
Ҳалол сеҳр каби ғўзал бетакрор.

يسلى القلب كالالبشرى بروح *** و يحى الروح
كالماء الزلال

Қалбларга завқ берар мисли хушхабар,
Зилол сув етгандек ҳаёт жонланар.

فخوضوا فيه حفظا و اعتقدا *** تنالوا جنس
اصناف المنال

Сўзларни ёд олинг қилиб эътиқод,
Мукофотларидан бўласизлар шод.

لعل الله يعفوه بفضل *** و يؤتية السعادة في المال

Шояд Аллоҳ афв-ла айлаб иноят,
Ато этса келажакда унга саодат.

و انى الدهر ادعو كنه و سعى *** لمن بالخير يوما
قد دعا لى

Менга дуода бардавом етганча кучим,
Эзгу дуо қилганларга менга бирор кун⁶.

“Бадъ-ул амолий” асарининг таркибий таҳлили қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган: муқаддима, Аллоҳ таолога имон келтириш баёни, борлиқнинг тадбирини қилиб турувчи Зот, казою қадарга имон келтириш, Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари, Аллоҳ таолони “шай” дейиш, исм эгасига далолат қилиши, бўлинмайдиган жузнинг ақлан мумкинлиги, Қуръони каримга имон келтириш, аршга истиво ҳақида, Аллоҳ бетимсол зотдир, яхшига мукофот, ёмонга жазо берувчи, мутлоқ эҳтиёжсиз Зот, Улуғлик ва олийлик Эгаси, қайта тирилишга имон келтириш, энг сўнгги манзиллар, жаннат ва дўзахнинг абадийлиги, жаннатда Аллоҳ таолони кўриш, Аллоҳ адолатли

ва раҳматли Зотдир, пайғамбарлар ва фаришта-ларга имон келтириш, хотамул анбиё, сўнгги муқаммал шариат, исро ва меърож, шафоат, пайғамбарларнинг сифатлари, Зулқарнайн ва Лукмон ҳақида, қиёматнинг катта аломатлари, валийлар ва уларнинг қароматлари, Язид ибн Муовия, муқаллид имонининг эътиборли экани, ақли бор кишининг Аллоҳни таниши лозимлиги, жон чиқар вақтда келтирилган имон, амал ва имон, гуноҳ сабабли қуфрга ҳукм қилинмаслик, диндан чиқишни ният қилган кимса, мастнинг гапи ҳақида, номавжуднинг шай эмаслиги, таквин сифати, ризқ, қабр имтиҳони ва азоби, руҳ, жаннатга кириш Аллоҳнинг раҳмати билан бўлиши ҳақида, дуолар, дунёнинг йўқдан бор қилингани, мўмин банданинг дўзахда абадий қолмаслиги, ғўзал назмий баён, васила, хотима.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Ўшйининг ҳаёти, илмий мероси ҳамда калом илмида тутган ўрнини атрофлича ўрганиш, унинг “Бадъ-ул амолий” асарида турли оқим ва фиркаларга берилган раддиялар таҳлил қилиш ҳамда уларнинг замонавий аҳамиятини ёритиш бугун ҳам калом илмида муҳим ўринга эга.

Ўшйи яшаган даврга келиб Мовароуннаҳрда турли оқим ва фиркалар кўпайди. Уларнинг нотўғри фикрларига илмий асосланган раддиялар бериш зарурати туғилди. Аллома ақлий ва нақлий далиллар мутаносиблигини сақлаган ҳолда уларга раддиялар берди. Ўшйининг ақидавий қарашлари жамланган “Бадъ-ул амолий”ни ўрганиш XII асрдаги ижтимоий-диний вазиятни ўрганишда ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга, асарда келтирилган далиллар, далиллаш услубларидан ҳозирда ҳам фойдаланиш мумкин. Исломни ниқоб қилиб олган ва мусулмонлар ўртасида турли зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлаётган тоифаларга қарши курашда мазкур асардан фойдаланиш мумкин. Калом илмига бағишлаб ёзилган ушбу асарда муаллифнинг мотуридийлик таълимотидаги ақидавий масалалар юзасидан нуқтаи назари, турли гуруҳларнинг фикрларига унинг муносабатини аниқлаш ва энг муҳими “Бадъ-ул амолий”даги ақидавий масалаларни чуқур ўрганиш ҳозирги кунда ҳам залолат йўлидан кетаётган айрим диний оқимлар ва фиркаларга қарши курашда фойдали манба бўлади, деб айтиш мумкин.

⁶ А. Абдурахим. Эътиқод дурдоналари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 16.